



# SHARQ MASH'ALI

Toshkent davlat sharqshunoslik instituti  
ilmiy-uslubiy, ma'rifiy jurnali



1/2018

Илмий-ушубий,  
маънавий-маърифий журнал.  
Тавсиячи:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлигининг  
Тошкент давлат шарҳишунослик  
институтини

1992 йилдан чиза бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот  
бошқармаси рўйхатидан кайта Утган  
(№ 02-0055 26 сентябрь 2014 йил)

Бош муҳаррир:

**А. МАННОНОВ** (проф., ф.ф.д.)

Тахрир хайъати:

**Г. РИХСИЕВА** (доц., ф.ф.н.)

(бош муҳаррир ўринбосари)

**А. ҚУРОНБЕКОВ** (проф., ф.ф.д.)  
(масъул котиб)

**С. ХАСАНОВ** (проф., ф.ф.д.)

**Қ. СОДИҚОВ** (проф., ф.ф.д.)

**С. КАРИМОВА** (т.ф.д.)

**А. ДОНИЁРОВ** (проф., т.ф.д.)

**Н. КАРИМОВА** (проф., т.ф.д.)

**У. ИДИРОВ** (с.ф.д.)

**А. ҲАБИБУЛЛАЕВ** (доц., ф.ф.н.)

**М. АБДУРАҲМОНОВА** (доц.,

ф.ф.н.)

**У. МУҲИБОВА** (доц., ф.ф.д.)

**Б. ОБИДОВ** (доц., т.ф.н.)

**Д. ПУЛАТОВА** (доц., фал.ф.н.)

**ОНО МАСАКИ** (Цукуба

унив. проф.)

**ЛИ ДЖИ ИН** (Ханкук чет тиллар

унив. проф.)

Нашрга тайёрловчилар:

**З. АЛИМОВ**

**Ш. ГАНПОВА**

**Ш. ТҮЙЧИБАЕВА**

Журнал Ўзбекистон Республикаси

Олий Аттестация Комиссияси

томонидан филология ва тарих

йўналиши бўйича илмий

мақолалар чоп этиладиган илмий

нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал оригинал-макет асосида

босилди.

Sharq mash'ali, 2018 йил 1-сон.

e-mail: nashrivot\_ilmiy@mail.ru

web-site: www.tashgiv.uz

Босишга руҳсат этилди 30.03.2018.

Бешми В4х108 1/4 Шартли б.т. 8,5

100 нусxada босилди. Буюртма № 26

Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

# SHARQ MASH'ALI

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА №1 (58) 2018 йил

Журналнинг мазкур сони Эрон-афгон филологияси  
кафедрасининг 100 йиллигига бағишланади

**Қуронбеков А.** Эрон-афгон филологияси  
кафедрасининг юз йиллиги: ўтмиши, ҳозирги  
ва келажаги ..... 3

**Воҳидов А.** Машраб асарлари  
қаландарийлик терминологияси  
манбаси сифатида ..... 8

**Алимова Х.** Дарий тилида *-ak/-gak*  
суффиксли ясалмаларнинг семантикаси ..... 14

**Махаммадалиев Х.** Форсий изоҳли луғатлар  
ва улардаги шаклдош тил бирликлари ..... 23

**Аҳмедова Д.** Газета матнларида  
отлар сон категориясининг қўлланиши ..... 27

**Мирзахмедова Х.** Форс тилида  
қадимги ва ўрта форс тили сўз ясаш  
унсурларидан термин ясаш ..... 31

**Ертаев Ш.** Аффикасия усули билан  
ясалган харбий терминлар ..... 35

**Ҳодиева Н.** Форс тилида содда  
фёъл асосида тузилган қўшма  
фёълларнинг структур таҳлили ..... 39

**Нуриддинов Н.** Форс тилида копулятив  
бирликларнинг ифодаланишига оид  
мулоҳазалар ..... 44

**Нишанбаева А.** Алишер Навоийнинг  
“Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги  
ўзлашма форсий фёлий ярмаффикслар  
асосида сўз ясалиши ..... 48

**Арифджанов З.** Форс тилида фёълларнинг  
лексик-семантик вариантлашуви ..... 51

**Маматкулов О.** Пашту тилидаги  
ўзлашмалар, уларнинг кириб келиш  
сабаблари ва омиллари ..... 56

**Ўқтамова Х.** Муҳаммад Раҳим Илҳомнинг  
دستور زبان فارسی *Дастур-е забân-е дарӣ* китоби:  
асосий тушунчалар ва таҳлил ..... 60

*Эрон ва афгон  
тилушунослиги*



© Тошкент давлат шарқишунослик  
институти, 2018 йил 19 апрель

Муаллиф фикри тахририят нукта  
назаридан фарқлангани мумкин.

**Эрон ва афгон  
адабиёти**

**Иномхўжаев Р.** Борик Шафёй:  
маърифатпарварликдан инқилобийликкача . 65

**Турдиева О.** Ҳозирги замон  
эрон ҳикоянавислигида  
Эрон-Ироқ уруши мавзуси ..... 72

**Низамова Ф.** Шоирнинг рубойчилик  
санъатидаги ўрни ..... 78

**Юсунова Н.** Янги давр форс шеърларида  
жанрлар типологияси ..... 83

**Мажитова С.** Жомий газалиётда араб  
алифбосидаги баъзи ҳарфларнинг маъно  
жилолари ..... 88

**Ҳамидов Х.** Мумтоз форс адабиётда  
ҳикоят жанрининг тарихий тараққиёти ..... 94

**Кабирова Н.** Раҳнавард Зарёб  
ҳикояларида сюжет яратиш маҳорати ..... 97

**Қаландаров М.** Бадиий тимсоллар ва  
рамзларни таҳлил қилишда замонавий  
технология имкониятлари ..... 101

**Манабашунослик**

**Маҳмудов Ж.** Амир Темур узугининг сири .. 104

**Тил таълими**

**Katbarova M.** The methods of teaching  
special literature in foreign language  
lessons (based on materials of architecture) ..... 108

**Тарихишунослик**

**Мадраимов А.** Герат в эпоху  
Амира Темура и Темуридов  
в трудах академика В.В.Бартольда ..... 113

**Халқаро  
муносабатлар**

**Назирова М.** Ўзбекистоннинг Марказий  
Осиёда барқарор ижтимоий-сиёсий  
муҳитни шакллантириш сиёсатида  
Афғонистон омили ..... 119

**Илмий ахборот**

**Умарова С.** Суйима Ганиева –  
мумтоз адабиёт тарихи билимдони ..... 125

**Такриз**

**Джафаров Б.** Дурдона Раҳимлининг  
“форс тилидаги туркий сўзлар”  
номли китоби ҳақида ..... 132

**Алимова Х. Р.** Иномхўжаевнинг «Язык  
пашто. Практический курс (продвинутый  
уровень)» дарслигига такриз ..... 136

**СУЙИМА ҒАНИЕВА – МУМТОЗ АДАБИЁТ  
ТАРИХИ БИЛИМДОНИ**

**УМАРОВА СОҲИБА**

*Ўқитувчи, ЎзМУ қошидаги Сирожиддинов номидаги академик лицей*

**Аннотация.** Ушбу мақолада навоийшунос олима Суйима Ғаниеванинг адабиётшунослик, шарқшунослик, таржимачилик, матншунослик ва манбаишунослик йўналишларида қилган илмий тадқиқот ишлари ҳақида сўз юритилган. Олиманинг ҳаёт ва ижод йўли, турли олимларнинг у ҳақидаги эътирофлари, навоийшунос сифатида фандаги улкан ютуқлари тўғрисида фикрлар билдирилган. Шунингдек, хорижлик ҳамкорлар билан илмий соҳада улкан ютуқларга эришиб, чет элларда мақолаларнинг чоп этилиши, буларнинг барчаси натижасида давлат томонидан муносиб тақдирланиши ва Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлиши ҳақида мухтасар маълумот беришган.

**Таянч сўз ва иборалар:** адабиётшунослик, таржимашунослик, матншунослик, манбаишунослик, навоийшунослик, "Мажалис ун-нафоис".

**Аннотация.** В статье идет речь о научной деятельности ученого-наововеда, профессора Суюмы Ғаниевой в области литературы, востоковедения, текстологии, источниковедения. Изложены отзывы ученых о ее научной деятельности. В статье также речь идет о ее сотрудничестве с зарубежными учеными, изданных там ее работах и литературных достижений, получивших высокую оценку и признание как в нашей стране, так и за рубежом.

**Опорные слова и выражения:** литературоведение, востоковедение, текстология, источниковедение, «Мажалис ун-нафоис».

**Abstract.** In this article, Professor Suyuma G'aniyeva's scientific researches in the fields of literature, Orientalism, reference, transcription, and review of texts are discussed. Moreover, scientific results in neo-ethnology, scholars' confessions about the teacher, the way of life and the literary work of Mrs. are reflected. Furthermore, her cooperation with foreign scholars, various articles which were published in foreign journals, as well as being "The Hero of Uzbekistan" for her scientific and literary achievements and worthy of being titles and medals are informed.

**Keywords and expressions:** literature, translation, oriental studies, textology, source study, "Majalis un-nafois"

XX аср бошларига келиб адабиётшунослик соҳаси янгича шаклда ривож топа бошлади. Мумтоз асарларни, хусусан, Алишер Навоий ижодиётини чинакам илмий тадқиқ қилишда ўзбек адабиётшунослари эришган муваффақият гоят ибратлидир. Навоийшунос олимлар орасида давлатимиз томонидан Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофоти, "Эл-юрт хурмати" ва "Булок хизматлари учун" ордени, "Ўзбекистон қаҳрамони" унвони билан тақдирланган профессор Суйима Ғаниеванинг ўз ўрни бор.

Суйима Ғаниева 1932 йили 20 февралда Тошкентнинг Сомонбозор (ҳозирги Минор) маҳалласида дунёга келди. 1939-1946 йиллар 5-

ўрта мактабда, 1946-1947 йиллар Ўрта Осиё университетининг тайёрлов бўлимида, 1947-1952 йиллар университетининг Шарқ факультети эрон-афғон филологияси ихтисослиги бўйича таълим олди. 1953-1956 йилларда Ленинград давлат университети Шарқ факультети аспирантурасида ўқиди. 1956 йили "Мажалис ун-нафоис"нинг III ва IV мажлислари илмий-танқидий матни ва адабий таҳлили" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Суйима Ғаниева 1956 йили ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим, 1959-1961 йиллар институтнинг илмий котибаси, 1961-99 йиллар мабайнида катта илмий хо-



дим лавозимларида ишлаган. 1970 йилдан Ўзбекистон давлат консерваториясида, 1990 йилдан Тошкент давлат шарқшунослик институтида ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунда олима Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент давлат консерваториясида талбаларга дарс бермоқда.

С. Ганиева илмий фаолияти кўп қирралиги билан ажралади. М. Абдусаматов “Ўзбек шарқшунослари” китобида: “Суйима Ганиева илмий фаолиятини адабиётшунослик, матншунослик ва таржимачилик соҳасида олиб бормоқда”<sup>1</sup>, - деб қайд этади. Маъбуотда эса кўпроқ “ганикти навоийшунос олима”<sup>2</sup> деб ёзилади.

Олима илмий фаолиятини адабиётшунос А. Ҳайитметов “шарқшунос ва адабиётшунос олима, устоз-муаллим”, И. Ҳаққулов “...XX аср ўзбек матншунослиги, навоийшунослиги ва мумтоз адабиётимиз матиларини нашр этиш бора-сида амалга оширилган ишларни, бу соҳада қўлга киритилган ютуқларни Суйима Ганиеванинг номи ва фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди”<sup>3</sup>, - деб таъкидлайди.

С. Ганиева илмий фаолиятини қайси соҳаларда олиб бораётганлигини белгилаш биринчи навбатда диалектика таълимотининг инсонпарварлик тамойилига ва асосийси ўзбек маданияти ҳамда фанига қўшган ҳиссасини аниқ, тўлиқ кўрсатиш орқали амалга оширилади. С. Ганиева – адабиётшунос, шарқшунос, таржимон, манбашунос ва матншунос олима бўлиб, ўзининг илмий фаолиятини асосан, қуйидаги йўналишларда олиб бормоқда:

Адабиётшунослик - С. Ганиева 20 дан ортик китоб ва рисоалардан ташқари, тўпلام, ойномаларда 120 дан ортик мақолалар ҳамда сўзбошилар, рўзномаларда 300 га яқин мақола ва тақризлар эълон қилган. С. Ганиева бу соҳада илмий тадқиқотларини бошлаганда мумтоз адабиётимиз тарихини ўрганиш жуда кенг

тус олган ҳамда навоийшунослик соҳаси илмий-оммавий равишда тадқиқотларнинг муҳим бўлимига айланган эди. Навоийнинг насрий асарлари, жумладан, “Мажолис ун-нафоис”ни тадқиқ этишга киришган олима асосан қўлёзма манбаларга асосланиб ўзининг илмий янгилигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Адабиётшунос Ш. Шукуров С. Ганиеванинг дастлабки тадқиқот ишларидан “Алишер Навоий” китоби ҳақида ёзади: “Бу асар Навоий ҳақидаги биринчи монография эмас, албатта. Улуғ шоирнинг ижоди ва ҳаёт йўли О. Шарофиддинов, Е. Бертельс ва С. Айнийларнинг бундан анча илгари босилган монографияларида маълум даражада атрофлича ёритилгандир. С. Ганиеванинг китоби булардан Навоийнинг сермашаққат ҳаёт йўли, изланишлари, адабий-илмий ҳамда давлат арбоби ва жамоатчи сифатидаги фаолиятининг оммабоп услубда баён этилиши, янги манбалардан фойдаланилганлиги билан ажралиб туради”.<sup>4</sup> С. Ганиева бу китобида Навоий лирикасини таҳлил этар экан шундай ёзади: “Навоий таъбирича, бугун мавжудот оламида, ҳамма нарсалар дунёсида, ҳар қандай воқелик орасида инсон энг азиз, энг қимматли, энг шарафли, энг муқаддас, ташқи қиёфаси билан ҳам, ички дунёси билан ҳам энг гўзалдир...”<sup>5</sup>. С. Ганиеванинг ушбу тадқиқотида кўтарилган масалаларга қатор муносабатлар билдирилган. Хусусан, тадқиқотчилар “Олима Навоийнинг дунёқароши ҳақида ҳам тўхтаб ўтади ва бунда баъзи чекланган томонларни ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади”, - деб ёзилади.<sup>6</sup>

С. Ганиеванинг бу китоби олиманинг дастлабки адабий-илмий қарашларини жамлаган. Баъзи масалалардаги фикрлари кейинчалик қайта таҳлил этилган.

С. Ганиева “Алишер Навоийнинг прозаик асарлари” китобида “Хамса ул-мутаҳаййирин”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-лугатайи”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи муфра-

<sup>1</sup> Малик Абдусаматов. Ўзбекистон шарқшунослари. Библиографик очерк. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. -Б. 477.

<sup>2</sup> Майсара Назарова. Ўзбек навоийшуносларининг “Қиролчаси”//Туркистон, 2009, 22 март.

<sup>3</sup> Ҳаққулов И. Улкан салоҳият соҳибаси //Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2007. № 1. - Б. 22.

<sup>4</sup> Шукуров Ш. Навоий ҳақида асар. // Ленин йўли, 1962, 28 август. - Б. 4.

<sup>5</sup> С. Ганиева Алишер Навоий. - Т.: Ўзфанакаднашр, 1962. - Б. 23.

<sup>6</sup> Я. Тўйчиев, Д. Нурматова. “Алишер Навоий”. // Ўзбекистон маданияти, 1962, 29 сентябр. - Б. 3.

дог", "Муншоот", "Тарихи мулуки Ажам", "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Насойим ул-муҳаббат", "Вақфия", "Маҳбуб ул-қулуб" каби асарларига атрофлича тўхталлади. С. Ганиева Навоийнинг прозаик асарларининг белгилоччи хусусиятидан бири "уларнинг хассос шоир қалами остида чикқанлигидир. Бу, аввало, наср билан назмнинг биргалликда, ҳам гоёвий, ҳам баддий жиҳатдан узвий алоқада ишлатилганлигида кўринади", - деб ёзади.<sup>1</sup>

Олима "Вақфия"да Навоий ўзининг муайян мақсадлари ва уларни амалга ошириш ишларини ёзarkan, бу масалада Хусайн Бойқаронинг ижобий жиҳатларига алоҳида ургу берганлигини кайд этади.

С. Ганиева "Лисон ут-тайр"нинг яратилиши билан боғлиқ фикрларга қатъи ҳулоса билдирган ва асарнинг қимматини кўрсата олган. Олима ёзади: "Навоийнинг ўз асарини "Мантикут-тайр"га жавобан, назира тарзида ёзгани ҳақидаги эътирофини адабий аъянага риоя қилиш мазмунида тушуниш тўғрироқ бўлади. Зероки, асар оригиналлик даражасига кўтарилган. Бу ҳол, ўз навбатида, ўша даврларда назира боғлаш масаласига бениҳоя кенг ва анчайин чуқур маънода ёндашилганидан далолат беради. Навоий асарнинг фалсафий йўналишини ҳам, ижтимоий-сиёсий мағзини ҳам ўзгартириб, унга дидактик жаранг, ҳаётий руҳ бахш этади".<sup>2</sup>

С. Ганиеванинг адабиётшунос сифатидаги қарашлари олиманинг тадқиқот ва китобларга ёзган тақризларида ҳам кўринади. С. Ганиева А. Ҳайитметовнинг "Алишер Навоийнинг ижодий методи" деган мавзудаги докторлик диссертациясини таҳлил этар экан тадқиқотнинг муҳим жиҳатларига, илмий янгилигига аҳамият қаратади. С. Ганиева А. Ҳайитметов Навоий ижодий методини аниқлаш билан бирга "... унинг ўзига хос хусусият ва белгиларини, уни тақозо қилган тарихий, ижтимоий, сиёсий, моддий ва маънавий, идеологик омилларини

ҳам очиб беради", - деб ёзади<sup>3</sup>. С. Ганиева бу тадқиқотнинг асосий мақсади Навоий ижодий методини анъанавий шарқона усул эканлигини кўрсатиш бўлган, деб кайд этади.

С. Ганиеванинг яна В. Зоҳидовнинг "Мир идея и образов Наваи", А. Ҳайитметовнинг "Навоий лирикаси", А. Ўринбоевнинг "Алишер Навоийга мактублар" каби асарларига ёзган тақризларидаги адабий қарашлари аҳамиятлидир.

Шарқшунослик – бу соҳа кўп қиррали бўлиб, шарқшунос олимларни шарқ мамлакатларининг тарихи, адабиёти ва умуман ижтимоий-маданий ҳаётига доир масалалар қизиқтиради. Ўзбекистонда шарқшунослик яъни Ўзбекистон ва Шарқ мамлакатлари ўртасидаги маданий, ижтимоий-иқтисодий алоқалар жуда қадимдан мавжуд бўлган. Бу тарихий алоқалар воситасида шаклланган жараён аста-секин кенг миқёсда ривожлана бошлайди. С. Ганиеванинг шарқшунослик соҳасидаги ишлари, асосан, форс тилидаги қўлёзма манбаларни, форсий адабий, тарихий таъкирларни тадқиқ этишида кўзга ташланади. Хусусан, "Мажолис ун-нафоис" асарининг форсий таржималарини олима кенг режада ўрганади. Таъкиранинг XVI асрнинг турли даврларида қилинган уч форсий таржимаси олима томонидан таҳлил этилган.

Маълумки, "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи таржимаси Муҳаммад Қазвиний томонидан амалга оширилган. С. Ганиева иккинчи таржимани "Мажолис ун-нафоис" асари билан муқояса қилиб ўрганиб чиқади. Баъзи қисқартириш, ўзгартириш, қўшимча каби фарқларни таҳлил этади. Жумладан, С. Ганиева "Қазвиний "Мажолис"даги Соҳибга бағишланган фикрани таржима қилгач, ўзидан Навоий билан Соҳибнинг яқинлигини шарҳловчи бир "зарофат" қўшади",<sup>4</sup> - деб ёзади ва Соҳиб Доронинг Навоий вафоти муносабати билан ёзилган марсиясини Қазвиний асарда келтирганлигини кайд этади.

<sup>1</sup> Ганиева Суйима. Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 37.

<sup>2</sup> Ганиева Суйима. Қуш тили ишорати билан. Лисонут-тайр. Сузбоши. – Т.: Фахур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 5.

<sup>3</sup> Ганиева Суйима. Навоийшуносликнинг муҳим ютуғи. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. № 1. – Б. 70.

<sup>4</sup> Суйима Ганиева. "Мажолис ун-нафоис"нинг форсий таржимасидаги баъзи иловалар ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1964, 2-сон. Б. 66-67.



С. Ғаниева Соҳиб Доронинг марсиясини бошқа таржималарда қандай берилганлигини ҳам ўрганади. Шуниси аҳамиятлики, навоийшунослиқда “Мажолис ун-нафоис” мутаржимларининг Соҳиб Доро марсиясига бўлган муносабатини С. Ғаниева дастлаб тадқиқ этган. “Бу марсия ҳақида Муҳаммад Ҳақимшоҳ Қазвиний маълумотларига суяниб, Суйима Ғаниева биринчилардан бўлиб нисбатан кенг мулоҳаза юритган ва алоҳида мақола чоп эттирган”<sup>1</sup>.

Таржимачилик – Алишер Навоий асарлари ўтмишда Шарқ ва Ғарб тилларига таржима қилинган маълум. “Навоийнинг бошқа тилларга таржима қилинган дастлабки бадий асари “Сабаъи сайёр” бўлади. Христофор Арманий 1557 йили италян тилида нашр эттирган. ...Бу асар немис, француз ва голланд тилларига таржима қилиниб, 11 марта нашр этилган. Шунингдек, XVII аср грузин шоири Цицишвили Навоийнинг “Сабаъи сайёр” дostonини эркин таржима қилиб, “Етти гўзал” дostonини яратган. XIX аср охири ва XXасрнинг бошларида Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари турк ва татар тилига таржима қилинади”<sup>2</sup>.

С. Ғаниева Алишер Навоийнинг рус тилидаги 10 жилдли “Таъланган асарлари” учун “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад” (1970, 9-том)ларни рус тилига маҳорат билан таржима этган. 1991 йили эса Навоийнинг “Муножот” асарини ҳам рус тилига ўтирган ва матн шарҳини берган. Олиманинг таржимачиликдаги муҳим ютуғи шундаки, бошқа тиллардан асарларни ўзбекчага ўгириш билан бирга, ўзбек тилидан, хусусан, Навоий асарларини рус тилига асарнинг ўзига хос бадийлигини сақлаган ҳолда таржима этишидир. Олиманинг ҳақиқий олим сифатидаги фазилатлари ҳақида: “У, аввало, тил билади, форс ва рус тилларида ҳавас қиларли тарзда ўқиб, ёза олади”, - деб ёзади адабиётшунос И.Ҳаққулов<sup>3</sup>.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”-дек наср ва назм омухталлигида яратилган асари-

ни рус тилига таржима этган С. Ғаниева тазкиранинг насрий қисмини муаллиф нутқи билан ёзиб, кейин шеърый нутққа муружаат этиш орқали асарнинг тарихий-илмий аҳамиятини бениҳоя оширишга эришган. С. Ғаниева насрий баънини туркийдан, шеърый парчаларни форсийдан рус тилига таржима этаркан, Навоийни Навоий сифатида таржима қилишга муваффақ бўлган. Масалан, “Редкостный перл в море владычества, солнце, украшающее мир в небосводе власти, облако источающее жемчуг с небес щедрости, неустрашимый лев в лесу храбрости, высокий кипарис в саду справедливости, драгоценный камень в руднике великодушия, легендарный Рустам на поле битвы усердия, Хатам времени в чертоге дарения, пронизательный чародей в мире красноречия, чудодей, владеющий благоречием вселенной, исполненным изящества, - султан всех султанов Абулгази Султон Хусейн Бахадыр-хан...”<sup>4</sup>.

Бу таржиманинг асл нухаси куйидагича: “Салтанат баҳрининг дурри яқтоси ва хилофат сипехрининг хуршеди жаҳонороси, саховат хавосининг абри гуҳарбори ва шижоат бешасининг хузабр шикори, адолат чаманининг сарви сарбаланди ва мурувват маъданининг гавҳари аржуманди, кўшиш размгоҳининг Рустами дostonи ва баҳшиш базмгоҳининг Ҳотами замони, фасоҳат илмининг нукта бирла сеҳрсози ва балоғат жаҳонининг диққат билла муъжиза пардози – Султон ус-салотин Абдулғози Султон Хусайн Баҳодир-хан...”<sup>5</sup>. С. Ғаниева Навоий тилининг ширалиги ва жарангдорлигини сақлай олган. Маънодош сўзларни таълашда аниқ хулосага келган.

“Илк бор рус тилида нашр этилган икки жилддан иборат “Ўзбек адабиёти тарихи” Китобида ўзбек классик адабиёти бир бутун ҳолда илмий ҳолислик асосида таърифланганки, биз ўзбек адабиётининг бошқа тилларда чоп этилган бундай тарихига эга эмас эдик. Табئيқки, бу йирик тадқиқот унинг яратган муаллифла-

<sup>1</sup> Вохидов Р. “Мажолисун-нафоис”нинг таржималари. –Т.: Фан, 1984. - Б. 52.

<sup>2</sup> Н.Маллаев. Гениал шоир ва мутафаккир. – Т.: 1968. Б.43.

<sup>3</sup> Ҳаққулов И. Улкан салоҳият соҳибаси.//Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2007. № 1. - Б. 23.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Сочинения в десяти томах. 9-том. Перевод Суйимы Ғаниевой. – Т.: Фан, 1970. – Ст. 152.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Муҳаммад асарлар тўплами. 13-том. –Т.: Фан, 1997.-Б.173.

ридан чуқур билим, теран нуктан назар ва катта бардошни талаб этган”, деб ёзилади Р. Орзибеков ва Ҳ. Абдусамиевлар<sup>1</sup>. С. Ганиева “Ўзбек адабиёти тарихи” (2 жилдлик, рус тилида) нашрларига кирган таржималари учун 1992 йили Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. “Ўзбек адабиёти тарихи” китобидаги таржималарнинг қиммати бекиёс. Бу китоб ҳақида шундай ёзилади: “...муаллифлар ҳамкорлигида яратилган рус тилидаги икки жилдлик тадқиқот бизнинг кўз ўнгимизда ўзбек адабиётининг кўп асрлик тараққиёт манзарасини, унинг ҳолис, объектив илмий тарихини тўла намойён қила олади. Асар жумҳуриятимиз илмий-маданий ҳаётида муҳим воқеа, ўзбек филологияси тараққиётида янги улкан ютуқ сифатида юксак баҳолашнига арзигуликдир. ...Зотан, у шундай юксак мукофотга лойиқдир”<sup>2</sup>.

Маълумки, сўз санъаткорининг маҳоратини белгилайдиган асосий шартлардан бири фикрни ихчам ва турли шаклларда ифода қила билишдир. Алишер Навоий бадиий ифоданинг энг зарурий талабларидан бири бўлган фикрий аниқлик ва ихчамлик учун курашади. “Мажолис ун-нафоис”нинг ҳар бир мажлис якунланишини Навоий турли хил сўзлар ишлатиш билан сўз бойлигининг кенглигини кўрсатади. Масалан, Аввалги мажлиснинг итмоми, иккинчи мажлиснинг ихтимоми, учинчи мажлиснинг хатми, тўртинчи мажлис охири каби. Лекин асар таржимасида ҳамма мажлисларнинг якуни “заклучение” тарзида берилган. Агар маънодош сўзлар ўйини қилиниб, турли маънодош сўзлардан фойдаланилганда асар таржимаси янада бойирди. С. Ганиеванинг ўзи бир мақолада бунга эътибор қаратади.

Қадимий ҳинд ҳикматномаси бўлган “Калила ва Димна” жаҳоннинг жуда кўп тилларига таржима қилинган. Турли даврларда бу асар форсийдан ўзбек тилига бир неча таржима этилган. “Калила ва Димна” ўзбек тилига қилинган таржималари орасида энг машҳурларидан бири Алмаий қилган таржима ҳисобланади.

“Калила ва Димна”нинг Алмаий таржимаси тошбосмада бир неча бор нашр этилган ва халқимиз орасида машҳур бўлган. “Калила ва Димна”нинг таржимонлари асарга турлича муносабатда бўлишган. Бу ҳақда В. Зоҳидов шундай ёзади: “...бу асарнинг Шарқ тилларидаги таржималари кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшашмайди. Ҳар бир таржимон ўз дунёқарашидан ва давр талабларидан келиб чиқиб, асарга ўзича мустақил ёндашган ва озми-кўпми ўзгаришлар киритган”<sup>3</sup>. С. Ганиева таржимон сифатида “Калила ва Димна”ни ўзига хос принцип асосида таржима этади. Авваламбор, олима асарнинг таржималари тарихини кенг ўрганади. Фарб ва Шарқдаги таржималарни ўрганиш давомида С. Ганиева шундай фикрни билдиради: “Шарқ таржимонлари асл матнни қисман бўлса-да, ўз дунёқараши ва даври талаб ва эҳтиёжларига мослаб талқин этишга, ўзгаришларга ҳам ҳаракат қиладилар. Бу маълум маънода, адабий аълана тусига кўрган эди. Шарқ тилларига қилинган таржималарга ёндашишда, хусусан, шу ҳолларни назардан соқит қилмаслик жоиз бўлади”<sup>4</sup>. С. Ганиева Алмаий таржимасини айнан шарқ таржима мактаби усулида амалга оширганлигини қайд этади.

С. Ганиева “Калила ва Димна”нинг ўзбек тилига таржимасини Эронда Абдулазим Қариб томонидан нашр қилинган озарбайжонча матнни асос қилиб олган. Асардаги қаҳрамонлар ҳамда персонажлар, мамлакат, шаҳар ва қушлар номи ҳам турли таржималарда турлича бўлганлигидан кўпроқ Алмаий таржимасига таянилган.

С. Ганиева 1961 йили Этверкининг “Майхўрлик балоси” ҳикоясини рус тилидан ўзбек тилига таржима этади ва бу илк ишини матбуотда эълон эттиради. Бугунги кунгача олима таржима қилган Ҳ. Ораслининг озар тилидан “Насимий” ва “Ҳоқоний Ширвоний”,

<sup>1</sup> Раҳмонқул Орзибеков. Ҳамид Абдусамиев. Адабиёт ва тарих. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 29 ноябр.

<sup>2</sup> С. Мамажонов, Т. Мирзаева. Адабиётимиз кўзгуси. // Ўзбекистон овози, 1991, 19 ноябр.

<sup>3</sup> Воҳид Зоҳидов. Юксак нафосат ва мангу ҳикмат обидаси. Сўзбоши. Калила ва Димна. Учинчи нашр. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б. 4.

<sup>4</sup> Суфия Ганиева. Абадиётга дахлдор ёлгорлик. Калила ва Димна. Учинчи нашр. – Т.: Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б. 253.



Реваз Кикнадзенинг рус тилидан “Мирзо Улугбек”, форс тилидан “Калила ва Димна” асари, А. Н. Болдиревнинг рус тилидан “Хожа Ахрор ҳақида”, ўзбек тилидан рус тилига Н. Комиловнинг “Ўзбек адабиётидаги сиймолар” асари ва бошқа таржималари эълон этилган.

Манбашунослик ва матншунослик С. Ганиеванинг бу соҳадаги ишларини А. Ҳайитметов шундай эътироф этади: “Суйима Ганиеванинг навоийшунос олима сифатида бошқа тадқиқотчилардан фарқлари ва ёш тадқиқотчиларга ўрнак бўладиган бир қанча сифатлари мавжуд. У кўп тилларни, эски ёзувни яхши билади ва манбалар билан ишлашни яхши кўради. Бирон асар ҳақида янги илмий тадқиқот яратмоқчи бўлса, у ишни матншуносликдан, бу асарнинг қўлёзмаларини аниқлаш, бир-бирига қиёслашдан бошлайди”.<sup>1</sup>

С. Ганиева Хусайн Бойқаро,<sup>2</sup> Хувайдо,<sup>3</sup> Баёний,<sup>4</sup> Пошшоҳўжа,<sup>5</sup> Гадоий<sup>6</sup> каби ижодкорларнинг шеърӣ тўпламлари нашрларини Ўзбекистонда дастлаб амалга оширган. 1983 йили “Маҳбуб ул-қулуб”ни алоҳида китоб қилиб нашр эттирган. 1991 йили “Навоий дастхати”, “Муножот”, “Сирож ул-муслимин”, “Назм ул-жавохир” асарларини тайёрлаган. Яна шу йили “Алишер Навоий қомуси” саҳифалари учун 15 шоир ҳақидаги маълумотларни тайёрлаган. С. Ганиева Алишер Навоийнинг 20 жиллик мукаммал асарлар тўпламида “Фарҳод ва Ширин”(1991 йил, 8-том), “Мажлис ун-нафоис” (1997 йил, 13-том), “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муншаот”, “Вақфия” (1998 йил, 14-том), “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад” (1999 йил, 15-том), “Муҳокамат ул-лугатайн”, “Арбаъин”, “Сирож ул-муслимин”, “Муножот”,

“Рисолаи тийр андохтан” (2000 йил, 16-том), “Насойим ул-муҳаббат” (2001 йил, 17-том) сингари асарларни шарҳ ва таржималари билан нашрга тайёрлаган.

С. Ганиеванинг бошқа манбашунос ва матншунослардан муҳим фарқ қилувчи томони шундаки, у сеvimли устозларининг ҳам ишларини давом эттирмоқда. Инглиз шарқшуноси Чарльз Рённинг “Британия музейида сақланаётган туркий қўлёзмалар” фехрастида Абдулжамил котибнинг “Тухфат ус-салотин” асари ҳақидаги маълумотни олган отахон матншунос Порсо Шамсиев ушбу асарнинг фотонусхасини олишга муяссар бўлади. Порсо Шамсиев асарни босмага тайёрлаган, аммо тўпламни олим нашр эттира олмаган экан. Устозга муҳаббат ва ҳурмат намунаси сифатида С. Ганиева саъй-ҳаракатлари билан ушбу хайрли иш амалга оширилди. Нашр Порсо Шамсиевнинг 110 йиллигига бағишланди. Нашрга тайёрлаш жараёнида ҳар бир байт Алишер Навоий 20 жиллик мукаммал асарлар тўплами бўйича қайси жилд ва нечанчи ғазал таркибида келиши кўрсатилган. С. Ганиева бу асар ҳақида мақола ҳам эълон қилган.<sup>7</sup>

С. Ганиева илмий-ижодий фаолиятини яна тўлдирадиган мавқелар ҳам кузатиладик, булар олиманинг ўзига хос характерли фаолияти билан ажралади. Яъни:

1. С. Ганиева “Ўзбек совет энциклопедияси”га 56 мақола, “Литературно энциклопедический словарь”га эса 27 мақола тайёрлаган.

2. С. Ганиеванинг мумтоз адабиёт вакиллари асарларининг нашрларидаги муҳаррирлиги аҳамиятлидир. Жумладан, 1986 йили чоп этилган “Уч булбул гулшани” тўпламига ҳам С. Ганиева муҳаррирлик қилади. Бу китобнинг шоир Дурбекга бағишланган қисмини Р. Шарофутдинова тайёрлаган. Бу қисмга С. Ганиева “Илк муҳаббат дostonи” номи сўзбоши ҳам ёзган. С. Ганиева ҳозиргача 20 дан ортиқ китобларга муҳаррирлик қилган. Шулардан, Алишер Навоий асарлари 15 томлигида П. Шамсиев тайёрлаган “Фарҳод ва

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоийшунос олима жасорати. // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2007. № 1. - Б. 24.

<sup>2</sup> Хусайн Бойқаро. Девон. Рисола. -Т.: Гафур Гулом номидаги бадий адабиёт, 1968.

<sup>3</sup> Хувайдо. Девон. Роҳати дил. -Т.: Ўздавадабийнашр, 1961.

<sup>4</sup> Баёний. Ғазаллар. -Т.: Ўздавадабийнашр, 1962.

<sup>5</sup> Пошшоҳўжа. “Мифтоҳ ул-адл” ва “Тулзор”. -Т.: Ўздавадабийнашр, 1962.

<sup>6</sup> Гадоий. Шеърлар. -Т.: бадий адабиёт, 1965.

<sup>7</sup> Ганиева С. “Тухфат ус-салотин” ёхуд шoҳ байтлар мажмуаси. // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2001, 2-сон.

Ширин”, “Махбуб ул-кулуб”, “Муншоот”, “Вақфия”, “Хамсаг ул-мутахаййирин”, А. Абдуғафуровнинг “Навойи ва адабий таъсир масалалари”, С. Эркиновнинг “Навойи “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий тахлили”, А. Ҳайитметовнинг “Ўзбек адабиёти масалалари”, Алишер Навоийнинг 1983 йили нашр этилган “Махбуб ул-кулуб” асари, У. Отажоннинг “Устозлар хотираси”, Ш. Хасановнинг “Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризийонинг “Қуш тили” достони ва унинг қиёсий текстологик тадқиқи” каби тадқиқотларига муҳаррирлик қилган.

3. С. Ғаниевабир қатор ўқув дастурларининг муаллифи ҳамдир. “Шарқ шеърятига кириш” (Консерватория талабалари учун), “Ёзув тарихи ва китобат санъати”, “Иншо санъати”, “Қўлёзмалар матни ва наслларини тайёрлаш”, “Илми балоғат”, “Навойи асарлари матншунослиги”, “Ғарб ва Шарқ адабий алоқалари”, “Таржима назариси ва амалиёти”(ҳаммуаллиф), “Ўзбек мақомларидаги Навоий ғазалларининг шарҳи”(Консерватория мақом бўлими учун қўлланма) кабиларни тузган. Профессор Қ. Содиков билан ҳаммуаллифликда “Ёзув тарихи ва китобат санъати” ўқув қўлланмасини тузишда қўлёзма манбалар устида ишлаш бўйича йиққан кўп йиллик тажрибаларни назарий умумлашма тарзида тақдим этилиши дейиш мумкин. Олиманинг раҳбарлигида тўққиз тадқиқотчи номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Саккиз нафар филология, битта санъатшунослик бўйича фан номзодлари, йигирмадан ортиқ магистрлар тайёрлаган. Ўн етти тадқиқотчининг ишига оппонентлик қилган.

4. С. Ғаниеванинг ўнга яқин мақоласи хорижий мамлакатларда чоп этилган. Москва, Боку, Ленинград, Олмота, Хўжанд, Бишкек, Душанбе, Техрон, Анқара, Пекин каби мамлакатларда адабиётимиз тарихи, миллий маданиятимиз, қўлёзма нусхаларни ўрганиш ва тарғиб этишдаги долзарб масалалар борасида илмий-назарий маърузалар билан иштирок этиб келмоқда.

Хусусан, Афғонистонда чиқадиган “Юлдуз” газетасида С. Ғаниеванинг қатор мақолалари эълон қилинган. Навоий ҳаёти ва ижодий

меросини тадқиқ этишда афғон олимларининг ҳам ҳиссаси катта. Афғонистонда дастлабки навоийшунослик ўтган асрининг 40-йилларидан бошланади. “...Афғонистонда Навоий ижодини ўрганиш, уни изчил йўлга қўйишда ўзбек олимларининг хизматлари катта. В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, И. Султон, Ғ. Каримов, Ш. Шукуров, Б. Валихўжаев, С. Ғаниева, М. Ҳақимов, А. Абдуазизов ва бошқа олимларимизнинг илмий мақолалари, катта ҳажмдаги илмий асарларининг Афғонистон вақтли матбуотида босилиши фикримизнинг далилидир”<sup>1</sup>.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган анъанавий илмий анжуманлардаги маърузалар.

1957 йилдан буён ҳар йили 9 февраль – Алишер Навоийнинг тугилган куни муносабати билан илмий-анъанавий анжуман мунтазам ўтказилиб келинади. С. Ғаниева ушбу илмий-анъанавий анжуманда 1957 йили “Мақолис ун-нафоис”ни матншунослик жиҳатдан ўрганиш” номли маърузаси билан иштирок этишни бошлаган бўлса, кейинги чиқишларини турли мавзулардаги маърузалари билан давом эттириб келмоқда. Бугунги кунга қадар 52 маротаба ўтказилган ушбу анжуманда фақат 6 тасидагина иштирок этмаган. Қолган барчасида иштирок этган ва ўзининг долзарб масалаларни ёритувчи маърузаларини эълон қилган.

Келтирилган жиҳатларга асосланиб, Ўзбекистон қаҳрамони С. Ғаниева фақат асл ҳақиқатга интилган тарихчи, филолог, матншунос олима, анъана ва новаторликни ҳамоҳанг қила олган илм кишиси ҳисобланади, дея баралла айтиш мумкин.



<sup>1</sup> Қудратуллаев Х. Хуросоннинг туркинадод фарзанди. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 8 феврал. - Б. 4.